

• Самарқанд шаҳрида ёш онколог олимларнинг биринчи халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика онкология илмий маркази ҳамда Онкологлар уюмаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда юртимиз ёш онколог олимлари билан бирга хорижий мамлакатлардан ҳам соҳанинг малакали мутахассислари иштирок этди.

• Узун туманидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи «Новатор» корхонасига 50 миллион сўм эвазига замонавий технологик линиялар олиб келиб ўрнатилди. Пировардида бу ерда турли русумдаги машиналарни таъмирлаш имконияти юзага келди.

• Сардоба туманидаги Пахтабод кўргонда замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Эйтиборлиси, ушбу хайрли иш ҳомийларнинг 188 миллион сўм маблағи эвазига амалга оширилди.

• Нукус шаҳри марказида «Евросавдо-сервис» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ташаббуси билан муҳташам супермаркет ҳамда маросимлар уйи қад ростлади. Банкнинг 150 миллион сўмлик кўмаги билан амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли 10 та иш ўрни ташкил қилинди.

• Фижудов туманидаги Соктари аҳоли пунктида намунавий лойиҳалар асосида ўн та уй бунёд этилди. 750 миллион сўмдан ортик маблағ сарфланган ушбу турар жойларда барча замонавий қулайликлар яратилган.

• Оқолтин туманининг Сардоба кўргондаги «Оқолтин» хусусий корхонасида болалар учун сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. «Асакабанк» кредити ҳисобидан бўш ётган бино тубдан таъмирланиб, ушбу корхона ташкил этилди ва хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган 150 га яқин замонавий тикув дастгоҳлари ўрнатилди. Корхонада меҳнат қилаётган 160 нафар ишчининг аксариятини тумандаги «Оқолтин» санот ва «Фарғона» қишлоқ хўжалиги қасб-хуналар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

ЖАҲОНДА

• Тинч океанидаги унча катта бўлмаган учта оролдан иборат Токеау оролида ичимлик сув етишмаётганлиги сабабли маъмурият фавқулодда ҳолат эълон қилди. Орол маъмурияти вакилларининг айтишларича, дейилади «France Presse» АА хабарига, Янги Зеландия тасарруфидаги бу оролда ичимлик сув захираси нари борса яна бир ҳафтага етади, холос. Бу ерда 7 ойдан бери ёмғир ёлмаётганлиги айнан шу муаммони келтириб чиқарган.

• Халқаро валюта жамғармасининг маълум қилишича, Европадаги иқтисодий ўсиш яқин вақт ичида пасайишда давом этади. Шунга қўра, келаси йили минтақа микросида иқтисодий ўсиш 1,8 фоизни ташкил қилиши тахмин қилинмоқда. Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, Европа мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръати шу йилнинг иккинчи чорагида пасая бошлади. Бунга Японияда рўй берган зилзила ва цунами, Европанинг ўзида бюджет тақчилиги ҳамда давлат қарзларининг ортиши, шунингдек, дунёнинг айрим минтақаларидаги сиёсий беқарорлик ўз таъсирини кўрсатди.

• Испаниянинг Севилья провинциясида куёш электр станцияси ишга туширилди. Шуниси эйтиборлики, ушбу иншоот тун чоғида ҳам электр қуввати ишлаб чиқаради. Мазкур электр станциясида 2 минг 500 тадан ортик ойна воситасида куёш нурлари эритилган тузлар солинган резервуарга йўналтирилади. Иссиқлик энергияси бу ерда тўпланди. Натижада станция куёш ботган бўлса ҳам 15 соат давомида электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи энергетика компанияларидан бири ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этди.

• Германиядаги энг йирик банклардан бири бўлган «Deutsche bank» жорий йил якунлари бўйича мўлжалдаги фойдани ололмайдиган бўлди. Банк раҳбарияти бунини молия бозоридagi вазиятнинг бекарорлиги ва Грециянинг дефолт ҳолатига тушиб қолиш хавфи билан изохламоқда. Банк томонидан жорий йилда 10 миллиард евро микдорига фойда олиш режалаштирилган. Ушбу хабар мазкур молия муассасаси акциялари баҳосининг қарийб 7 фоизга тушиб кетишига олиб келди. Энди «Deutsche bank» ходимларидан 500 нафарини ишдан бўшатиш режалаштирилмоқда.

Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 204 (12.015) Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Сифатли ва рақобатбардош, бугунги харидор дидига мос маҳсулот тайёрлашда илғор технологияларни ўзлаштиришнинг аҳамияти катта. Ана шу асосда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, албатта бозорда ўрин топади.



2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида яратилган янада кенг имкониятлар, берилган имтиёзлар самараси уларок тадбиркорлар сафи ортиб бормоқда. Албатта, бу соҳа ходимларининг иқтисодий-иқтисодий ривожидagi ҳиссаси, янги ички маҳсулотдаги улуш салмоғи ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари кўпайиб истеъмолчилар талаби қондирилмоқда.

«MAX MATTRESS» масъулияти чекланган жамиятида ҳам сифатли ва фойдали маҳсулот — ортопедик тушаклар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, жорий йил бошида ўз фаолиятини бошлаган мазкур жамоада маҳоратли че-варлар, тажрибали мутахассислар жамланган. Бугунги кунда бу ерда Европа стандартларига мос 12 турдаги ортопедик тушаклар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур сифатли товарлар Россия технологиялари қўллаган ҳолда тайёрланиб, уларнинг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашда Хитойдан келтириб ўрнатилган ускуна ҳамда дастгоҳлар қувватидан унумли фойдаланилганди.

Корхонада айни пайтда Ҳамза туманидаги «Урта мас-жид» маҳалласида истиқомат қилувчи 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилиб, улар учун барча шароитлар яратилган. Бу меҳнат самараси юқори бўлишида, буюртмалар

ортишида муҳим ҳисса бўлмоқда.

— Аввало, маҳсулотларимизни тайёрлашда буюртма-чи талаб ҳамда эҳтиёждан келиб чиқамиз, — дейди корхона директори Давлатбек Зоитов. — Ишлаб чиқариш жараёнида хорижий ва маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланамиз, уларнинг сифатига эйтибор қаратамиз. Шу боис ҳам маҳсулотларимиз бугунги кун талабларига тўла жавоб бермоқда. Шунингдек, ортопедик тушакларимиз инсон саломатлигини мустаҳкамлашда фойдалидир. Уларнинг республикамиз барча ҳудуд-ларида харидорлари бор. Буюртмаларнинг ортиб бо-риши ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришни тақозо этмоқда.

Ана шунинг ҳисобга олган тадбиркорлар яратилаётган имконият ва имтиёزلардан оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятида. Бунинг учун эса янги цех очиб, замонавий дастгоҳлар ўрнатишга сазй-ҳаракат қилинмоқда.

Эйтиборли томони эса шу асосда яна 10 нафар хо-тин-қиз иш билан таъминланади, маҳсулот турлари ҳам кўпаяди.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

БРЮССЕЛДАГИ ТАҚДИМОТ ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Унда Бельгиянинг эксперт таҳлилчилар ҳамжамияти, вазирлик ва идоралари, ишбилармон, маданий-гуманитар ва жамоатчилик доиралари, Европа Иттифоқи, НАТО ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон дипломатия ваколатхонаси раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг тарихи, суверен тараққиёт йиллари мобайнида қўлга киритилган муваффақиятлар, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар самаралари, юритилаётган сармоявий сиёсат ҳамда республикамизнинг иқтисодий са-лоҳияти билан таъбир иштирокчиларини атроф-лича таништирди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи-нинг муҳим жиҳатлари ҳам тақдимот қатнашчилари эйтиборига ҳавола этилди.

Маълумки, халқимизнинг қутлуғ байрами ара-фасида Европа Халқаро муносабатлар инсти-тутининг президенти (Бельгия) Ирнерио Семинаторе Ўзбекистон Республикаси Мустақил-лигининг 20 йиллиги муносабати билан «Дустлик» ордени билан мукофотланган эди. Тақдимот чоғи-да мазкур мукофотни унинг соҳибига тантанали топишириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

И.Семинаторе икки мамлакат ўртасидаги муно-сабатлар ривожига ҳисса қўшишга қаратилган кам-тарона фаолияти Ўзбекистон раҳбарияти томони-дан шу қадар юксак баҳолангани учун самимий миннатдорлигини изҳор этар экан, республика-мизда кенгаётган жараёнлар тўғрисидаги ўз қараш-лари ва фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Унинг таъкидлашича, мустақил ривожланиш йил-лари давомида мамлакатимизда жамият ҳаёти-нинг барча жабҳаларини ислоҳ этиш, халқнинг маъ-навий-ахлоқий меросига қайта жон бағишлаш, ҳаққоний тарихни тиклаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди.

Европалик эксперт Ўзбекистоннинг агросаноатни ривожлантириш борасида ҳам сезиларли тараққи-ётга эришгани хусусида тўхталар экан, «тарихан қисқа давр ичида мамлакат замонавий ва рақобат-бардош саноатга ҳамда аграр жабҳага эга бўлган кучли давлатга айланганини» қайд этди. «Сув ре-сурсларидан оқилона фойдаланиш лозимлиги шарт-шароитида дон мустақиллигини қўлга киритиш, пахта ва озик-овқат маҳсулотлари етиштириш борасида ўзининг дунёдаги илғорлиги ўзинини сақлаб қолиш ва уни янада мустаҳкамлаш юзасидан мамлакатда амалга оширилган сермашақат ишлар жуда катта ҳурмат-этирофга лойиқдир», деди у.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар узоқ тарих ва мустаҳкам асосларга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин давлатларимиз раҳбарларининг улкан эйтибори ва ташаббуслари самарасида жадал ривожланмоқда. Барча соҳаларда изчил давом этаётган ҳамкорлик мамлакатларимизнинг барқарорлик ва тараққиётга эришиш борасидаги манфаатларига тўла мосдир.



ЧЖАН СЯО: ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАРКАСИНING НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА

VII Халқаро Ўзбекистон пахта яр-маркаси арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Хитой Халқ Республикаси-нинг мамлакатимиздаги Фавқулод-да ва мухтор элчиси Чжан СЯО бил-ан суҳбатлашди.

— Ўзбекистон бутун дунёда пахта-сининг юқори сифати ва нисбатан арзонлиги билан донг таратган, — дейди Чжан Сяо. — Ўзбек пахтаси ўзи-нинг юксак сифати ва мўл-кўллиги билан жаҳон мамлакатлари мутахас-сисларининг эйтиборини тортиб ке-лади. Ўзбекистон пахта етиштириш

бўйича дунёда олтинчи ўринда ва уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўрин-да туриши бунинг далилидир. Бугун дунёда Ўзбекистон пахтасидан тикил-ган кийим, тайёрланган бошқа маҳ-сулотлар кириб бормаган жойининг ўзи йўқ.

(Давоми 2-бетда)

«AFROSIYOV»NING DOIIMIIY ҚАТНОВИ БОШЛАНДИ

Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyov» электропоезди мунтазам қатнамоқда.

Мамлакатимизда транспорт-коммуникация тизими ин-фраструктурасини ривожлантириш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини юксалтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ватанимиз муста-қиллигининг 20 йиллиги арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида юксак технологияли, юқори тез-ликда ҳаракатланувчи «Afrosiyov» электропоездлари қат-нови йўлга қўйилиши соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг амалдаги яна бир самарасидир.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, «Afrosiyov» элек-тропоезди ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари қат-нови амалга оширади. Эҳтиёж ва талабдан келиб чи-қиб, кейинчалик қатновлар сони яна кўпайтирилади. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва уларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун Тошкент ва Са-марқанд темир йўл вокзалларида замон талабларига мос хавфсизлик ва хизмат кўрсатиш тизими яратил-ди. Электрон чипталарнинг жорий этилгани вагонлар-

га чиқишда йўловчилар учун қулай ва вақтчи тежаш имконини беради.

Иккита бош локомотив, саккизта йўловчи ва-гони ва битта вагон-ресторандан иборат элек-тропоезд жами 215 йўловчини ташиш имкони-ятига эга. Вагонларда ҳаво харорати, йўна-лиш жадвали ва тезлик ҳақида компьютер таб-лолари орқали маълумот бериб борилади. Барча са-лонлар қулай ва юмшоқ ўриндиқлар, видео монитро-лар, мутуола учун чироқлар билан жиҳозланган. Йил-нинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, салонда бар-қарор қулай ҳарорат таъминланади. Барча вагонларда кийим илиш ва багаж учун алоҳида жойлар мавжуд. Эйтиборли томони, ногирон йўловчиларнинг ҳам барча эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, зарур шарт-шаро-ит яратилган. Биринчи қатнов учун чиқарилган чипта-ларнинг барчаси сотилгани юртимизда юқори тезлик-да ҳаракатланувчи, юқори сервис хизмати тақриф этув-чи транспорт хизматига талаб катталлигини кўрсатади.



— Матбуот орқали Тошкент ва Самарқанд ўртасида «Afrosiyov» электропоезди қатнови йўлга қўйилгани ҳақида билиб, ўз кўзим билан кўришни ният қилган-дим, — дейди йўловчи Равшан Обидов. — Поездда йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада юк-салтириш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар на-тижасини темир йўл вокзалиданоқ ҳис этиш мумкин. Замонавий, кўркам ва ораста вокзал, ҳушмуомала хо-димлар, юқори сервис хизмати — буларнинг ҳаммаси ривожланган мамлакатлардагидан қолишмайди.

(ЎЗА)

БРЮССЕЛДАГИ ТАҚДИМОТ ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Брюссел Эркин университети профессори, Археология қироллик академиясининг аъзоси Ж.Бланкоф юртимиз тараққиятининг тарихий жиҳатларига тўхталар экан, Ўзбекистон неча-неча асрлардан бери ўз санъати, маданияти, анъаналари, илм-фани, меъморий обидалари билан шухрат қозониб келаётганини, мамлакатимиз тарихи турли воқеаларга ҳамда жаҳон цивилизацияси тараққиятига улкан ҳисса қўшган аллома ва мутафаккирларга бой эканлигини тилга олди.

«Ўзбекистон раҳбарияти тарихий меросни, меъморий ёдгорлик ва анъаналарни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳолда илм-фан, ижодий рағбат ва санъат масалаларига ҳам катта аҳамият бермоқда. Айни пайтда Ўзбекистон таълим соҳаси та-

раққиятига бюджет маблағларининг салмоқли қисмини йўналиш бергани бу фикрнинг яққол тасдиғидир. Чунки таълимсиз келажаkning ўзи йўқ. Шу маънода биз, европалликлар малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида Ўзбекистон таълимига ўзгариш беришимиз зарур, деб ҳисоблайман», деди Ж.Бланкоф.

Европа Халқаро муносабатлар институтининг (Бельгия) геосийёсий тадқиқотлар бўйича директори Пьер-Эмануэль Томан бугунги кунда Ўзбекистон нафақат ўзининг бой минерал-хом ашё ресурслари билан, балки изчил ва мутаносиб иқтисодий ривожланишнинг ўз моделини ишлаб чиққан давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини жалб этиб турганини қайд этди. Экспертнинг айтишича, ислохотларнинг ва мамлакатни модернизация-



(Давоми. Боши 1-бетда)

Пахта етиштириш ва ундан кўндан-кўп маҳсулотлар тайёрлаш Ўзбекистон кишалоқ хўжалигини, умуман, иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, пахтачилик санъатини илмий ривожлантириш, пахтага мустақил ишлов бериш қувватини ва экспорт рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Ўзбекистонда пахта етиштириш ва ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис хоржий харидорларнинг ўзбек пахтасини сотиб олишга қизиқиши тобора ортамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов юритаётган оқилона сиёсат ва меҳнатқаш ўзбек халқининг доимий сазой-ҳаракатлари самарасида мамлакатининг пахтачилик санъати бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверишига ва бу омил давлатнинг иқтисодий қудратининг янада мустаҳкамланишига улкан ҳисса қўйишига ишонаман.

— Яқин кунларда мамлакатимизда ўтажақ VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг аҳамияти ҳақидаги фикрингизни билмоқчи экансиз...

ЧЖАН СЯО: ХАЛҚАРО ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА ЯРМАКАСИНИНГ НУФУЗИ ТОБОРА ОШМОҚДА

— Анъанавий Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси нафақат юқори сифатли ўзбек пахтасини дунёга намойиш этиш, балки ярмарка иштирокчиларига илғор технологиялар борасида тажриба ва фикр алмашиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилиши ҳамда уларнинг янада кенгайтириш учун беқиёс имкониятлар яратаетир.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Мазкур ярмарка самарасида Ўзбекистон шу вақтга қадар пахта етказиб бериш бўйича кўплаб шартномалар имзолади. Ушбу анжуманининг муваффақиятли ўтказилиши жаҳон бозорини Ўзбекистоннинг пахта савдоси ҳамжи ва ўзбек пахтасининг нуфузи янада орттишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкор мамлакатлар ўртасидаги шериклик ва дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда.

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳам улкан муваффақият билан ўтишига, катта иجتимоий-иқтисодий самаралар беришига ишончим комил.

— Ушбу ярмаркада хитойлик ишбилармонларнинг иштироки ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Ўзбекистон Хитойнинг пахта савдоси бўйича энг асосий ҳамкорларидан биридир. Зеро, Хитой ўзбек пахтасининг энг йирик харидорларидан. Шу боис Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида мамлакатимиз корхоналаридан вакиллар мунтазам ва фаол қатнашиб келмоқда. Бу гал ҳам шундай бўлади.

Утган йилги ярмаркада Хитойдан йигирмага яқин савдо компанияси ва пахта йиғириш корхонаси Ўзбекистон билан пахта харид қилиш бўйича шартномалар имзолади. Маълумотларга кўра, 2009-2010 йилларда Хитой Ўзбекистондан 250 миң тонна пахта толаси импорт қилган.

Жорий йилнинг саккиз ойида Хитой мамлакатинингдан 94 миң тонна пахта сотиб олди. Жумладан, Хитойнинг йирик «Инь Лун» компанияси биринчи ярим йилликда 90 миң тонна ўзбек пахтасини импорт қилди ва июлда яна 20 миң тонналик пахта хариди бўйича шартнома имзолади.

Мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорлигимиз изчил тараққий этишига ишонаман.

ЎЗА МУХБИРИ ИРОДА УМАРОВА СУХБАТЛАШДИ

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида мамлакатимизда етиштирилётган пахтанинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, сифат кўрсаткичлари яхшиланиб бораёттир. Бунда гўзанинг янги, серҳосил навлари экилаётгани, агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толаси пишдик ва санаятчилик бўйс унга жаҳон бозорини талаб юқори. Бу юртимизда юқори сифатли пахта толаси берадиган гўза навларини яратиш, етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш корхоналарини техник ва технологик модернизация қилиш борасидаги изчил ишлар самарасидир. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топомқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 21 июлда қабул қилинган VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини ўтказишни ташкил этиш чора-тадбирларига оид фармойиши асосида айни пайтда юртимизда ушбу тадбирга катта тайёргарлик қирилмоқда. Мазкур ярмарка мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг экспорт жўрфиясини янада кенгайтириш, толани қайта ишлаш санъатини ривожлантириш ва энгил санаят маҳсулотларининг экспорт ҳажмининг оширишга йўналтирилган қатор муҳим тадбирларни ўз ичига олади.

VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» кўрғазмалар павильонида бўлиб ўтади.

«Ўзэкспомарказ» миллий кўрғазма компаниясидан маълум қилишларинча, ушбу тадбирни юқори савияда ташкил этиш, иштирокчилар ва меҳмонлар учун барча шароитларни яратиш юзасидан қўзғин тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Кўрғазмада иштирокчилар ўз маҳсулотини кенг намойиш этиши, ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиши ва бошқа тадбирлар учун ажратилган майдонлар замонавий андозалар асосида жиҳозланмоқда.

Тадбирга тайёргарлик жараёнини уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва унинг бир қатор таркибий тузилмалари, «Ўзмарказимпекс», «Ўзинтеримпекс», «Ўзсанаятмашимпекс» давлат ташқи савдо акциядорлик компаниялари, Республика товар-хонашэ биржаси, «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази, «Ўзбекенгилсанаят» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзпахтасанаят» уюшмаси, пахта терминаллари билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Хали-хамон дунё иқтисодиётига салбий таъсири сезилиб турган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бундай муҳим тадбирнинг мунтазам ўтказилаётгани мамлакатимизнинг миллий ривожланиш модели пухта ўйлангани ва ҳаётга самарали татбиқ этилаётганининг яққол намойишидир. Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иштирокчиларининг сони йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолатдир. Мисол учун, ярмарка ишида 2005 йили 30 мамлакатдан бир юз етмишга яқин трейдерлик ва тўқимачилик компанияси қатнашган бўлса, бу йил жаҳон-

нинг ўттиз олти давлатидан уч юз ўттизга яқин компания вакиллари иштирок этиш истагини билдирди.

Ярмарка иштирокчилари кўрғазмага қўйилган пахта толаси намуналари билан танишиш баробарида мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги ва агросанаят мажмуида амалга оширилаётган ислохотлар, янги ва истиқболли навларни яратиш жараёнилари билан ҳам танишиш имконига эга бўлади.

— Ушбу анъанавий пахта ярмаркаси юртимиз кишлоқ хўжалиги ва пахта санаятида эришилаётган самаралар билан бирга, илм-фанни илмуқларини ҳам кенг тарғиб этишда муҳим омил бўлаёттир, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти директори ўринбосари Саидмурод Бобоев. — Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги пахта етиштириладиган майдонларнинг қарийб йигирма фоизидан институтиимиз олимлари томонидан яратилган навлар экилмоқда. Улар эртапийшарлиги, касалликларга, қурғоқчиликка чидамлилиги, толасининг сифати юқорилиги билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз илм-фани ютуқлари асосида етиштирилаётган пахта толасининг сифати жаҳон андозаларига тўла мос келади. Шу боис бугунги кунда Ўзбекистон пахтасини дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан, тўқимачилик санъати жадал ривожланаётган Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларида қизиқиш катта.

«Ўзэкспомарказ»да, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотлари ярмаркаси ҳам ўтказилади.

Йигирма йиллик мустақил тараққийёт даврида юртимиз хонашэ етиштирувчи республикадан санаятчи барқарор ривожланаётган мамлакатга айланди. Ҳозирги кунда энгил санаят корхоналаримизда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати, дизайни жиҳатидан хоржиниқидан қолишмайди, нархи эса нисбатан арзон. Ушбу маҳсулотларга хоржида ҳам талаб юқорилиги боис, соҳада экспорт ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. Тўқимачилик маҳсулотлари ярмаркасида асосан «Ўзбекенгилсанаят» давлат акциядорлик компаниясининг бир қатор етакчи корхоналари, хусусий тадбиркорлар ўзларининг экспортга мўлжалланган тўқимачилик маҳсулотлари билан иштирок этади.

Ярмарка доирасида миллий матолардан яратилган модалар намойишини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Бундан мақсад азаллий қадриятларимизни ва ишлаб чиқариш соҳасида эришилаётган ютуқларимизни жаҳон миқёсида кўрсатишдир.

Бир сўз билан айтганда, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини юртимизга қаратаётган ушбу тадбир мустақиллик йилларида эришаётган кенг кўламли ютуқларимизнинг, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг намойишига айланиши шубҳасиз.

Бахор ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ

лашининг «Ўзбек модели» мустақиллик йиллари давомида кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг тараққийтини ҳамда гуллаб-яшнашини белгилаб берди. «Жаҳон иқтисодий инқирози рўй бериб турган бир пайтда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши узок мудатта мўлжалланган иқтисодий стратегия ва тизимли ислохотлар муваффақиятли амалга оширилишининг натижалари ҳисобланади, деди у. Ўзбекистон нафақат глобал иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини самарали баргараф этишда, балки ҳаётга татбиқ этилиши келажақда ҳам мамлакатнинг изчил ривожланишини кафолатлайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасида ҳам бошқа давлатлар учун намуна бўла олади», деди европалик эксперт.

Тақдимот чоғида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Тошкентда бўлиб ўтган байрам тантаналари лавалари акс этган видеофильм ҳам намойиш этилди.

«Жаҳон» АА Брюссел



Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг илк бакалаврлари ва магистрларига халқаро тоифадаги дипломлар топширилди.

СУРАТДА: Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти битирувчиси Наргиза Хуррамова.

Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган сурат

Бугунги кунда ички бозоримизнинг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан бойиб бораётганида қўшма корхоналарнинг ўрни алоҳида.

Иқтисодиёт ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «Shirin dunyo» қўшма корхонаси ҳам 2003 йилдан буён пойтахтимизда фаолият юритиб келаяпти. Ушбу корхонада модернизациялаш шарофати туфайли 70 номдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Ширинликлар орасида мижозга танаб олиши учун илму-хил таъмлалар, ўзгача будийий гоёллар ва стили композицияли ечимлар ҳавола этилмоқда. Моҳир қандолатпазлар тўю тантаналар, болажонлар байрами, корпоратив тадбирлар, ҳар қандай тантаналар учун торларнинг зийнатли безатилиши яқка, эксклюзив нусхаларини ишлаб чиқишлари билан корхонанинг «SHIRIN DUNYO» савдо белгили маҳсулотлари харидорлигини таъминлашяпти.

Қўшма корхонанинг «Романтик», «Малика», «Шоколадли лилия», «Экзотика», «Мафтункор», «Болажон», «Фантазия», «Мевали брыз», «Нозанин», «Нилуфар гули» ва «Қаймоқли лаззат» каби тортлари ўзгача лаззатли, таъмили, мевали, турли қўшимчалар қўшиб тайёрланган пирожнийлари сифати билан ажралиб туради...

Доимий изланишни давом эттирган ҳолда корхона аҳли йилдан йилга маҳсулот турларини кўпайтириб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилиб бормоқда. Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган ширинликлар харидорлар тақлифидан келиб чиққан ҳолда фирмани дўконлар пойтахтнинг марказий аҳоли гавжум жойларида очилди.

Истиқболлини, таъминлаш учун пухта ўйланган йўлни танлаган «Shirin dunyo» қўшма корхонаси вилоятларда ҳам филиалларини ишга тушириш асносида кўплаб янги иш ўринлари яратди. Аниқ мақсадни қўлаб, самарали сазй-ҳаракатларини амалга ошираётган корхона маъмурияти замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ишларини тизимли олиб бормоқда.

Шунингдек, пойтахтимизда ўтказилаётган иқтисослашган кўрғазма, кўрик-танловларда доимий қатнашиб, мижозлар талабини ўрганиш янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Тадбирлар КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзгидромет Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология соҳасидаги масалаларни ечишда маъсул давлат бошқарув органи ҳисобланиб, анжуманда ОАВ ходимларига истиклол йилларида юртимизда Гидрометеорология хизматынинг илмий ва техник жиҳатдан янада ривожлантирилгани, турли об-ҳаво шароитларини олдиндан аниқлаш ва аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилгани ҳақида маълумотлар берилди.

— Мустақиллик мамлакатимиз гидрометеорология хизмати фаолиятида янги имкониятлар очди, — дейди Гидрометеорология хизмати бош директорининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Қодиров. — Чунки, иқтисодиётимизнинг асоси бўлган кишлоқ хўжалигида ҳам, авиация соҳасида ҳам гидрометеорологик аниқ маълумотлар асосий аҳамиятга эга. Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда 78 та метеорология, 19 та гидрология станциялари, шу жумладан ихтисослаштирилган 3 та кўл, 3 та қор кўчки станциялари фаолият йўлга қўйилган. Уларга 129 та пост бириктирилган.

Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг гидрометеорология хизматыни такомиллаштириш тўғрисидаги» қарорига биноан Гидрометеорология хизмати маркази янги мақомга эга бўлди ҳамда ўз фаолиятини кенгайтирди. Айни пайтда марказ метеорологик, агрометеорологик, гидрологик йўналишлар бўйича гидрометеорология хизматлар кўрсатиб, иқлим ўзгаришларига оид маълумотлар билан таъминланмоқда, хавfli ходисаларни мониторинг қилмоқда.

Кейинги йилларда гидрометеорология тизимининг техник базасини такомиллаштиришга доир кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Тошкент, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида хавfli гидрометеорологик ҳолатлардан тезкор оғоҳлантириш учун янги метеолокаторларни фойдаланишга топшириш ишлари деярли ниҳоясига етказилди.

Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдлар.

Равшан ЮНУСОВ

Кўрғазмалар ТИББИЁТДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛ

«Ўзэкспомарказ» мажмуасида IEG Uzbekistan кўрғазмалар компанияси ташкиллаштирган «Ўзмедэкспо — 2011» IV Халқаро ихтисослашган тиббийёт кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Анъанавий ўтказилаётган ушбу тадбирга қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Кўрғазма давомида маҳаллий ва хоржий ишлаб чиқарувчиларга келишуларга эришиш, маҳсулот айирбошлаш, сотиш ёки харид қилиш бўйича янги, ўзаро манфаатли ҳамкорлар топиш учун қулай шарт-шароитлар яратилаётган муҳим аҳамият касб этапти. Кўрғазманинг тиббийёт техникаси ва асбоблар, дори-дармонлар ва уларни ишлаб чиқариш, электртехника, ультратовушли, рентген ускуналари, ташхис ва лаборатория жиҳозлари, таҳлилий ва ўлчаш, назорат қилиш ускуналари, стоматологик ускуналар ва материаллар, дизайн-кейни қилиш, санитария ва гигиена воситалари бўлимлари таширф буюрувчилар билан гавжум бўлди. Россия, Польша, Хиндистон, Германия, Беларус, Корея, Хитой, Эрон мамлакатлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар — «Ўзфармасанаят» концерни таркибидаги «Навбахор — санаят» МЧЖ, «МFS — Servis» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, «Агробиоким» МЧЖ, «Шифо нур сервис» хусусий фирмалари шулар жумласидандир. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимизда бугунги кунда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, оналар ва болалар учун юқори савиядаги сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, саломатлик марказлари ва сийхаттохлар фаолиятини янада яхшилаш борасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилаяпти. Хоржий компаниялар юртимизда фаолият кўрсатиш мақсадида дистрибуторликни йўлга қўйишни мақсад қилишган.

— Яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритаётган корхонамизда сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланади, — дейди «Агробиоким» МЧЖ тижорат директори ўринбосари Нилуфар Раҳмонова. — Тиббийёт муассасалари, хонадонларда, умуман кундалик турмушимизда қўлланилиши зарур бўлган антисептик воситалар нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё мамлакатларида ҳам харидорлигини таъминланмоқда. Масалан, яқинда ишлаб чиқарила бошлаган «Tozaden» воситасининг мукобили хориддан, албатта, валютага олиб келинарди. Шунингдек, «Антисептин ОП» гигиеник препаратимиз ҳам мутахассислар, ҳам истеъмолчилар эътирофига музахавр бўлаяпти.

Сирасини айтганда, халқ соғлиги жиҳоясига давлатимизда катта эътибор қаратилади. Бу каби тиббийёт кўрғазмалари соҳадаги замонавий ахборот технологиялари билан танишишга ёрдам беради, янгиликлардан воқиф қилади, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг муваффақиятларини намойиш қилиб, баҳолашга, асосийси доимий изланишга ўндайди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Яқинда Таиланд пойтахти ва унинг кўп сонли меҳмонлари Жанубий-Шарқий Осиёдаги энг йирик савдо маркази - Бангкокда жойлашган «Сям Парагон»да «Ўзбекистон - Марказий Осиёнинг юраги» мавзусидаги суратлар кўргазмаси намойишидан баҳраманд бўлдлар. Мазкур маданий тадбир Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланди. Таиланд маликаси Маха Чакри Сириндхорн, дипломатия миссияларининг раҳбарлари, Таиланднинг давлат, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ҳамда мамлакат марказий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ушбу кўргазма очилиш маросимининг меҳмонлари бўлишди.

Маросим чоғида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар, республикамиз сиёсий, ижтимоий ва ташқи сиёсий ҳаётидаги долзарб масалалар, халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, шунингдек, Ўзбекистон ва Таиланд ўртасида савдо-иқтисодиёт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболларига оид атрафли маълумотлар ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Кўргазмада таиландлик сураткаш расмларнинг, шу жумладан, мамлакат маликаси Маха Чакри Сириндхорннинг 2005 йили Ўзбекистонга бюрондан ташрифи чоғидаги ижодий фаолиятининг самараси бўлган 300 дан ортиқ ранг-баранг суратлар намойиш этилди. Уларда мамлакатимизнинг бетакорр табиғати, бой тарихий-маданий мероси, меъморий

БАНГКОКДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОЙ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ВА МЕЪМОРИЙ МЕРОСИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

ёдгорликлар ҳамда ўзбек халқининг ўзига хос урф-одат ва анъаналари ҳақида атрафли тасаввур берадиган лавҳалар ўз аксини топган.

Кўргазманинг миллий услубда тайёрланган пештахталари, айниқса, Бухородаги машҳур «Минораи Калон»нинг мўжаз макети меҳмонларда алоҳида кизиқиш уйғотди. Пештахталарни эса ўзбек миллий либослари, халқимиз амалий санъатининг ранг-баранг намуналари беэаб турди.

Таиланд маликаси Маха Чакри Сириндхорн ўзининг мамлакатимиз буйлаб сафари чоғида орттирган таассуротларини хотирлар экан, у Ўзбекистоннинг тарихий-меъморий ёдгорликларга бениҳоя бой эканини алоҳида таъкидлади. У мазкур кўргазма сингари турли маросимлар ўтказилишининг аҳамияти ҳусусида тўхталиб, «бундай тадбирлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий мулоқотларни ривожлантириш, мамлакатимиз бой маданий мероси билан таиландликларни яқиндан таништириш ишига хизмат қилишни» қайд этди. Малика

Унда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Болалар жарроҳлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шифокорлар ва мутахассислар билан бирга Россия, Франция, АҚШ, Қозғистон, Украина, Беларусь, Тожикистон каби давлатлардан келган мутахассислар иштирок этди.

Иштирокчилар алоҳида таъкидлади, мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббий-иқтисодий ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва боланинг муҳофазалаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишишга муҳим омил бўлаётганлиги таъкидланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишни» асосий йўналишлари, тўғрисидаги Фармони бу борадаги ишларни янги, янада юқсак талаблар асосида ташкил этиш, тиббиётнинг энг замонавий ютуқларини мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига таъдиқ этишда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган тиббий-иқтисодий ислохотлар соғлом авлоднинг дунёга келтириш, фарзандларимизни яшамасдан барқарор этиш буюга ёқиндаги йўналишларидан. Бу вазибаларни рўйбга чиқариш мақсадида «Соғлом она – соғлом бола» концепцияси изчиллик билан ҳаётга таъдиқ этилаётир. Натижада истиқлол йилларида Ўзбекистонда болалар ўртасида касаланиш кўрсаткичи сезиларли даражада пасайди, оналар ва болалар ўлими кескин камайди.

Аҳоли, жумладан, болалар саломатлигини муҳофазалаш борасида эришилаётган ютуқларимиз халқро миқёсда муносиб эътироф этилаётди. Ҳусусан, бу борада жажондаги нуфузли тузилмалардан бири «Болаларни асрайлик» халқро ташкилоти рейтингига мамлакатимиз етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди. Бундай юқсак натижаларга эришишда болалар жарроҳлиги йўналишида амалга оширилаётган тиббий-илмий тадбирларнинг алоҳида ўрни бор.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида болалар жарроҳлиги жажон андозалари даражасида хизмат кўрсатишга қодир замонавий соҳага айланди. Бунинг натижада илгари болаларда учрайдиган кўплаб туғма нуқсонлар замонавий операция усуллари билан бартараф этилмоқда.

Анжуманда болалар жарроҳлигининг долзарб масалалари, болалар урологияси, анестезиология, реаниматология каби йўналишларда қўлланилаётган янги даволаш услублари ва воситалари, бу борада мамлакатимиз ва хорижда қўлга киритилган тиббий-илмий ютуқларига бағишланган маърузалар тингланди.

Алиёр ОРИПОВ, «Туркистон-пресс»
Мамлакатимизда болалар жарроҳларининг анжумани бўлиб ўтди.
СОҒЛОМ АВЛОД БАРКАМОЛДИР



Ўқув муассасаларида

ИСТИҚЛОЛНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиёда илк ташкил этилган олий таълим муассасаси ҳисобланади. Университет олимлари ва ўқитувчилари жамоасининг илм-фан, таълим, маърифат соҳасидаги, илмий тадқиқот ва таълим тизимини шакллантиришдаги алоҳида ўрни ва халқро нуфузини эътиборга олиб, 2000 йил 25 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ мазкур илм масканига «Миллий университет» мақоми берилди.

– Бугунги кунда университетимизда 13 факультет мавжуд бўлиб, 45 бакалаврият таълим йўналиши, 100 дан ортиқ магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган, – дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Қаҳрамон Куранбоев биз билан бўлган сўҳбатда. – Университетимиз таянч олий ўқув юрти ҳисобланиб, йўналишлар учун давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқиш ҳамда республика олий ўқув юртлариға таъдиқ қилишда доимо ташаббус кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи янги таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва фаннинг устувор соҳалари белгилаб олинган. Жумладан, кейинги йилларда ўқув масканимизда, «Санъат-шўнослик», «Миллий истиқлол гоёси, ҳуқуқ ва маънавий асослари», «Социология», «Психология», «Политология», «Экология» каби қўшимча фанлар киритилди. Утган йиллар давомида университетимизни турли соҳалар бўйича 40 мингдан ортиқ мутахассислар тугаллаб, мамлакатимизнинг илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларини кадрлар билан таъминлашға ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ҳозирги пайтда университет қошида 91 кафедра, Олий педагогика институти, амалий физика-илмий тадқиқот институти, Олий журналистика курси ва урта академик лицей фаолият кўрсатмоқда. 1180 нафарға яқин фан доктори-профессорлар фаолият юритиб ўларнинг 21 нафари академик, 200 нафарға яқини фан доктори-профессорлар, 550 таси фан номзоди-доцентлар, 400 та катта ўқитувчи ҳамда ўқитувчи ассистентлардан иборатдир. Бу илмий жамоамизнинг бутун салоҳияти ўқув, ўқув услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлар сифати самарадорлигини оширишға йўналтирилган. Ҳозирги кунда ўқув муассасамизда жами 1000 дан ортиқ талабалар ва магистрлар таълим олмоқда.

Халқро талабаларға мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, хорижий мамлакатлардаги нуфузли фан ва таълим марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида кўпгина ишлар амалға оширилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар давомида Япония, Австрия,

Греция, Хитой, Польша, Жанубий Корея, Германия, Чехия, Россия, Украина, Озарбойжон, Туркия, Исроил, Англия, Малайзия, Швеция, Ҳиндистон, Италия, Қозғистон каби мамлакатлардаги илмий марказлар ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Ўқув юрти қабул қилинган қошида фаолият юритаётган 18 илмий лабораторияда кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Натижада ҳар йили 1500 га яқин илмий мақола (шундан 500 дан зиёди хорижда), 50 га яқин монография, 10 дан ортиқ дарслик, 200 дан ортиқ қўланма ва илмий-услубий ишлар, халқро анжуманлар материаллари, тўпламлар чоп этилмоқда. 1995-2010 йиллар давомида халқро грантлар доирасида 100 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар хориждаги нуфузли илмий марказлар ва университетларда малака ошириб қайтидлар. Шунингдек, иқтидорли кизиларимиздан 36 нафари «Зулфия» номидаги давлат мукофоти совриндори, 19 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти, 22 таси Алишер Навоий, 19 таси Мирзо Улугбек, 2 нафари эса Беруний номидаги давлат стипендиёси совриндори бўлганликлари ҳам бу олий даргоҳнинг нуфузи нечоғли юқори эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

Кейинги йилларда ўқув масканида таълим олаётган аспирант ва докторантлар Германия, Швеция, Швейцария, Хитой, Голландия, Ҳиндистон, Финляндия, Италия, Буюк Британия, Россия ва Япония каби давлатларда малака ошириб 100 дан ортиқ номзодлик, 60 дан ортиқ докторлик ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишди.

Талабаларнинг ижтимоий турмуш тарзи, яшаш шароити ҳамда дарсдан бўш вақтларини самарали ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиздир. Умуман истиқлол шарофати боис университетда талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, етуқ мутахассислар тайёрлаш борасида улкан натижаларға эришилмоқда. Бу маскан ўз бағрида етуқ кадрларни тайёрлаб беришдан ташқари она Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги маънавий юксалишида ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон халқини қутлуг сана — мустақиллигининг 20 йиллиги билан табриklar экан, юртимиз янада гуллаб-яшнашени, тинчлик ва фаровонлик доимий йўлдоши бўлишини тилади.

Дарҳақиқат, кўргазмада намойиш этилган суратлар меҳмонларда жуда катта кизиқиш уйғотди. Улардан яна бири — ЭСКАТО ижрочи котиби Нойлин Хейзер Ўзбекистон раҳбариятининг халқимиз тарихий маданий ва меъморий меросини қайта тиклаш борасидаги амалий сазй-харакатларига юқори баҳо берди. Н.Хейзер Самарқанд, Бухоро, Хива сингари бетакорр шаҳарлар бағридаги меъморий осори-атиқалар акс этган суратлар ўзида ўзгача, унутилмас таассурот қолдирганини қайд этди.

«Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги маҳобатли масжид, мадраса ва бошқа мемориал мажмуалар мамлакатнинг кўчна тарихға, бой ва ранг-баранг маданий меросға эға эканлигидан далолат беради. Суратлар мени буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий юртиға боришға чорлади. Самарқанд ва Бухорони ўз кўзим билан кўришим керак, деган қатъий фикрга келдим», деди у.

Кўргазма доирасида «Бухорча» ашула ва рақс ансамбли жамоасининг миллий куй-қўшиқ ва рақслардан иборат маданий дастури ҳам намойиш этилди.

«Жажон» АА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Сиз суд ижрочилари томонидан қонунчилик бузилишиға оид масалалар бўйича Суд департаментининг Ички хавфсизлик инспекциясиға куйидаги «Ишонч телефонлари» орқали муурожаат қилишингиз мумкин.

Муурожаат этган шахснинг исм-шариғи сир сақланади.

Ишонч телефонлари рақамлари:

Суд департаментининг марказий аппарати Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 237-61-86
Қоракалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-361) 229-17-09

Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-374) 224-58-70

Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-365) 225-75-34

Жижзах вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-372) 226-55-11

Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-367) 225-42-24

Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-376) 223-22-75

Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-366) 233-46-99

Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-369) 233-37-63

Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-436) 224-85-18

Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 263-53-11

Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-371) 235-92-40

Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-375) 223-16-83

Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-373) 222-69-27

Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси Ички хавфсизлик инспекцияси (8-362) 227-35-30.

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкитол)ларнинг Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, хизмат ходимлари томонидан ноқонуний ҳатти-ҳаракатларға йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзаға келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи 239-35-21 рақамли «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Қўнғироқларингизни кутамиз.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосиға таклиф этади!

Аукцион савдосиға «Ўзкимёсанот» ДАКнинг 26.04.2011 йилдаги 41-сонли буйруғиға асосан, «Ўзкимёсанот» ДАКға тегишли, Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 38-уй манзилида сақланаётган «ГА3-31029» русумли, д/р 10AR535 бўлган 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 151 100 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 10 ноябрь куни саот 10:00да бўлиб ўтади.

Талаборлар диққатиға! Юқоридаги автотранспорт воситаси 2011 йил 10 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақоррий аукцион савдоси 2011 йил 17 ва 24 ноябрь кунлари саот 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талаборлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосиға бир саот қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида катнашиш учун талаборлар савдо ташкитолчиси билан тузиладиган закалат келишувиға асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағфон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамиға тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қоракамий кўчаси, 1-А-уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманидаги 286-мактаб томонидан 2004 йил Мадалиев Жаҳор Тожибоевич номиға берилган И№ 1531791 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй, 33-хонадонда истиқомат қилувчи Фахриддин Мирқодирович Мираламов номида бўлган иштутади режаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт янгиликлари

ХАР БИР ФАРЗАНД — МЕХР ВА ЭЪТИБОРДА

Тошкентда Муруват уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ўшбу мусобақаларда юртимизнинг барча ҳудудларидаги Муруват уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.

Футбол бўйича 16 ёшгача ўсмирлар ўртасида 2012 йили бўладиган Осиё чемпионатига чиқиш учун пойтахтимизда ўтказилаётган саралаш мусобақаларининг «С» гуруҳида кетма-кет уч марта ғалабага эришган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мuddатидан олдин нуфузли мусобақа йўлланмасини қўлга киритди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ТҮП СУРАДИ



1996 йилда туғилган футболчилардан таркиб топган терма жамоамиз саралаш мусобақасининг дастлабки икки ўрашувида Қирғизистон футболчиларини 7:0, Ҳиндистон вакилларини 9:0 ҳисобида мағлубиятга учратган эди. Дилшод Нуралиев шоғирд.

лари гуруҳдаги учинчи учрашувини бахрайлик ўсмирларга қарши ўтказиб, 2:0 ҳисобида зафар кўчди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти стадионида ўтган учрашувда ўзбекистонлик футболчилар рақибдан ҳар томонлама устунлигини намойиш этди. Биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқасида Достон Ҳамдамов аниқ зарба билан ҳисобни очди. Уйиннинг иккинчи ярмида ҳамюртларимиз бахрайликлар дарвозасини иккинчи маротаба ишғол қилди. Бу гал Иброҳим Абдуллаев ўзини кўрсатди.

«С» гуруҳида тўққиз очко билан пешқадамлик қилаётган ёш футболчиларимиз келаси йили Осиё чемпионатида финал босқичида тўп суради деган бўлди. Ўз олдига қўйилган вазифани муносиб ўқ қилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси саралаш гуруҳидаги сўнгги учрашувини 9 октябрь куни Тожикистон футболчиларига қарши ўтказди.

Саралаш мусобақасининг «С» гуруҳида иштирок этган Ҳиндистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам қитъа чемпионатида йўлланма олди. Ҳиндистонликлар саралаш турнирида ҳамюртларимизга йирик ҳисобда имкониятни бой берганига қарамай, қолган учрашувларда қирғизистонликларни 7:0, бахрайликларни 2:1 ва тожикистонликларни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

«МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» УЧУН БЕЛЛАШУВ


Бектемир спорт мажмуасида «Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида «Мустақиллик кубоги» учун хотин-қизлар фестивали бўлиб ўтди.

Фестивал туман хотин-қизлар кўмитаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тадбирда фаол иштирок этган жамоалар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик, диплом ҳамда қimmatбахо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган спорт фестивалида Халқ таълими бўлими жамоаси биринчиликти кўлга киритди, иккинчи ўрин — «Маҳалла» жамғармаси ва учинчи ўрин эса тиббиёт бўлими жамоасига насиб этди.

Рўҳсора ЭЛМЎРАТОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Анушервони одил Бузургмеҳрдан: — Энг яхши яшаш қандай яшаш? — деб сўради.

— Саломат бўлиш ва хотиржам яшаш — энг яхши яшаш, — деб жавоб берди у ва давом этиб деди: — Лекин яхши ном қолдириш абдий яшашдир.

Анушервони одилнинг қабр тошига қуйидаги сўзлар ёзилган экан:

— Мен ҳаётимда ва подшоҳлигимда ҳаммаини ҳожатини чиқарар, бирор кишини ҳузуримдан умидсиз қайтариб юбормас эдим. Энди эса тупроқ остида ожиз ётибман, лекин хоҳлайманки, менинг зиёратимга келганлар бирор-бир манфаат кўрмай кетмасинлар — тириклигимда одамлар мендан қандай баҳраманд бўлган бўлсалар, энди васиятларимдан ҳам шундай фойда кўрсинлар, деб мазор тошига қуйидаги насихатларни ёздиридим, менинг бу пандларим зиёратчилар қадам ранжининг муқофоти бўлсин!

Ха, улуг зотлар нафақат тириклигида, балки ўлганидан кейин ҳам ибратли ҳаёти, ҳикматли сўзи билан инсониятга хизмат қилаверади. Мана, ўша ҳикматлардан баъзилари: «Агар ҳар кишини ҳаётнинг ўзи мулла қилмаса, ҳеч бир доно унга ақл ўргатиш учун заҳмат чекмасин, заҳмати беҳудага кетади».

«Ҳар кишининг илми бўлса-ю, лекин унга лойиқ ақли бўлмаса, бу илмининг унга ҳеч қандай фойдаси бўлмайди».

«Агар ўз сирининг очилишини истамасанг, бировнинг сирини ҳам фош қилма».

«Агар сирини душман билмасин десанг, дўстингга ҳам айтма».

«Агар одамларнинг севимлиси бўлишни истасанг, улардан ҳеч нарсани аяма».

Анушервони одилга: «Фуқароларингдан бири шу қадар бойиб кетдики, сенинг ҳазинангда у бойликнинг юздан бири ҳам йўқ», деб шикоят йўллашди.

Анушервон шундай жавоб ёзади: «Худода минг қатла шукрки, бизнинг адолатимиз туфайли фуқароимиз биздан ҳам бойроқ бўлибди».

Шундан кейин ҳасадгўйларни топиб жазолашга фармон берилди.

Эргаш ОЧИЛОВ

тайёрлаган

(Давоми бор)

Олимпларнинг қайд этишларини, мўмиё сўзи юнонча ибора бўлиб, «Аъзоларни муҳофаза этувчи» деган маънони билдиради. Бунга асос бўлувчи боис ҳам бор, табибларнинг фикрича, мўмиё кенг даво қўламага эга бўлиб, у барча одам аъзоларига, айниқса юракка қувват бағишлайди, бод жараёнининг изларини йўқотди, ташқи ҳамда ички аъзоларнинг фаолиятини меъёрга солади, танадаги намликини сингдириб олади, жинсий аъзолар фаолиятини уйғунлаштириб, фалажга даволик қилади, захарланганга малҳам бўлади, чангақ, тиришишдан холи қилади, чаён захрини кесди, қон қусишга, сийдик тия билмасликка хотима беради, тугилиб гапиришга ихобий таъсир кўрсатади, баъзи шишларнинг сўрилиб кетишига, бўгин-суяк касалликларини, синишда даводир. Шулар сабабли бўлса керак, мўмиёни араблар «хафиз-ал-аджссод» деб аташади.

Биз қуйида мўмиёнинг юрак ва асаб тизими хасталикларига бўлган даволиги ҳақида маълумотлар келтирамиз.

Мўмиёнинг уч арпа дони миқдоридасини ўткир набиз шаробига солиб ичилади, ўлпадан кон туфлашнинг олдини олади, томоқ огриғида бир кирот (0,236 г) миқдоридасини сиканжубин (сирка билан асал қўшиб қайнатилгани) билан, бўгин огриғида бир киротини тут шинисин билан ёки ясимқ қайнатмаси билан, йўталда бир тасуужини чилонжийда суви ва арпа

Кўҳна замонларда халқ табобатида мўмиё кенг қўламда фойдаланилган. Даврлар ўтиши билан синалган даво амалларидан бири мўмиёни қўллаш яна тиб оламида кенг қўламда тус олмоқда. Мўмиёнинг даволаш бобида ажиб хислатларини қадимий ҳакими ҳозиклардан тортиб замонамиз олимлари жуда кўп маълумотларни ёритиб келмоқдалар.

сув билан ва сайсабон билан уч кун кетма-кет наҳорга, хафақонда эса мўмиёнинг бир киротини зира, жувона ва қора зира суви билан ишлайтиш синаб кўрилганда

ларга ёрдам беради. Мўмиё истеъмол этилса ёки ташқи муолага сифатида фойдаланилса (суртилса), синган суякларга, чиққанга, лат еганга, юз асаб толаларининг фала-

Мўмиё — барча дардга даво

ижобий натижага эришилган.

Машҳур табиб Муҳаммад Аъзамоннинг 2860-1865 йилларда Ҳиндистонда чоп этилган улкан, тўрт жилдик «Муҳити Аъзам» («Буёқ уммон») китобида ҳам мўмиё атрофлича талқин этилади. Мўмиё осонлик билан одамнинг тўқималарига сингиди. Керакли микдорда истеъмол қилинган мўмиё киши кайфиятини яхшилаб, танини мустаҳкамлайди, руҳиятига ихобий таъсир кўрсатади, юракка қувват бағишлайди, тетиклаштирилади, кайфиятни зиёдалаштиради. Лимфдан келиб чиқадиган ўсmalarга хотима беради, ички аъзоларининг фаолиятини яхшилайди, суяқликларни қуритади, тикилмаларни очади, тазалайди, шамоллаш билан боғлиқ бўлган барча касаллик-

жига жуда яхши даволик қилади. Мўмиё қон қусишда, шунингдек, ел тўпланишида (метеоризм) ёрдам беради.

Бўғим огриқларида, жисмоний ҳамда асабий толиқишда мўмиё икки-уч пишмаган тухум сариги аралашмаси билан истеъмол қилинади.

Тромбофлебит (шунингдек, оёқларнинг чуқур венаси тромбофлебити) касаллигида мўмиё 0,25-0,3 г дан сўнг 20-25 мобайнида ичилади. 5 кунлик танафусдан сўнг даволаш яна такрорланади.

Оғриқ камаюди, оёқларнинг салқин, озорланиш даражаси сусаяди, эритроцитларнинг сони кўпаяди, касалликнинг бошқа белгилари йўқолади. Даволаниш мuddати учун 5-15 мўмиё зарур бўлади.

Яллиғланиш билан кечадиган ва аллергия касалликларда, тумов,

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for 'SIRK' (Сирк) circus program, featuring a clown and animals. Text: В СУББОТУ И ВОСКРЕСЕНЬЕ НАЧАЛО В 15:00. Касса. Тел.: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23. www.sirk.uz

Advertisement for 'TOHKENT OKSHOMI' (Тошкент Оқшомы) evening program. Text: «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ». Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилими: Матбуотчилар кўчаси, 32, 2-қават, 223-хона.

Advertisement for Akmal Akromov, a notary public. Text: Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Advertisement for 'Dushanba, Seshanba, Chorshanba, Pajshanba' (Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба) newspaper. Text: ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Advertisement for 'Gazeta ToHKent ShaХar Matбуot va aХборot boшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган' (Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган). Text: Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2879 йилдан босилади. Қўлтеба бўлими А-2

Advertisement for 'UZIDROMET' (Ўзидромет) monitoring service. Text: Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 12 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имзугариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарҳдан сепаратинг ифлосланиш дақундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 11-13, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

Advertisement for 'Sharq' newspaper. Text: Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлари ёки «Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахрират компьютер марказида терилди ва сақтиланди. Нашр учун масъул Д. Исроилов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буёқ Турон кўчаси, 41-уй.